



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Нархлар эркинлаштирилётган шароитда республика фуқароларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, аҳоли даромадларининг оширилишини таъминлаш мақсадида:

- 2000 йил 1 августдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлири талабаларининг, ўрта махсус ва хунар-техника ўқув юртлири ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,5 баравар оширилсин.
- 2000 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида: энг кам иш ҳақи - ойига 2450 сўм; ёшга доир пенсия - 4675 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич /нулинчи/ разряд - ойига 2450 сўм; болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 4675 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа - ойига 2835 сўм миқдорида белгилансин.
- Белгиланган кўйилсинки, иш ҳақига қўшилган устама ва қўшимчаларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар 2000 йил 1 августдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.
- Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот ва зирлиги, Меҳнат вазирлиги,

- вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилот ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошларини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.
- Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджетига ва Пенсия жамғармасига ҳисобидан амалга оширилсин.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 июлдаги ПФ-2339-сон Фармони 8-банди асосида қилинган ҳолда ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ислом КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2000 йил 23 июнь

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига

Азиз дўстлар! Авваламбор, барчангизни миллий матбуотимиз байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу кун нафақат журналистлар, матбаа ва радио-телевидение ходимлари, балки ҳаётимизда, эзгу мақсадлар йўлида эришган натижаларимизда матбуотнинг ўрни ва мавқеини эътироф этадиган ва қадрайдиган ҳар бир юрдошимиз учун ҳам муҳимдир.

Оммавий ахборот воситалари жамиятимизда ке-

чаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ўзгаришлар, демократик таъминотларнинг шакллантиришдек улғувор ишларнинг фаол иштирокчиси, одамларимизни эркин фикрлашга ўргатадиган ва маънавий уйғоқликка давлат этадиган доимий ҳамроҳимизга айланмоқда. Бунинг замирида, шубҳасиз, журналистларимизнинг ўз касбияти меҳр ва садоқати, оғир ва сермашқат меҳнати муҳимдир.

Бугунги тақдир замонида ҳар қайси онгли инсон, ёши, касб-кори, лавозимидан қатъи назар, ўзига руҳан

ахборот воситалари ходимлари олдида эл-юртимиз тинчлиги ва ҳавфсизлиги, Ватанимиз равнақи ва фарзандларимиз камолоти каби буюк вазифаларни қўймоқда. Дунё ахборот оламида глобаллашув жараёни кучайиб бораётган ҳозирги шароитда миллий матбуотимиз янада фаол бўлиши, халқимизни турли ғовий таҳдидлардан, миллий тафаккур тарзимизга ёт ақидалардан ҳимоя қилиши, жамиятимиз миллий истиклол мафқурасининг шаклланишида алоҳида ўрин тутиши, маънавий ҳаётимизнинг

ва муқаддас қадриятларимизнинг мустаҳкам ҳимоясига айланиши лозим.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сичхат-саломатлик, ғайрат-шижоат, хонадонларингизга тинчлик-омонлик тиламан.

Ҳаққоний сўз, тиром тафаккур ва илҳом доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

мали Раҳмонов билан бўлиб ўтган суҳбат, хайъатлараро музокаралар асосида имзоланган ҳужжатлар орасида абадий дўстлик ҳақидаги шартноманинг борлиги диққатга сазовордир. Зеро, Юрбошимиз ибораси билан айтганда "Ўзбек ва тожик — икки тили бир халқ".

Сафар давомида имзоланган бошқа битимлар ва келишувлар ҳам чегараларни мустаҳкамлашда, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда, сув ва энергетика манбааларидан оқилона фойдаланишда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистондаги уш қатъта давр — Андижан, Сирдарё ва Зарафшон Тожикистон тоғларидан бошланди. Норақ ва Сангтўда сув омборларида тўпланган сувлар эса икки мамлакат далалига ҳам охиёбат ўлашиши мумкин.

Қандастлик давлатларининг Москвадаги учрашуви ҳам самарали бўлди. В.Путин Россия Президентини қилиб сайланганидан кейин МДХ доирасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга киришди. Чунки ҳозиргача қабул қилинган қарорларнинг катта қисми қорозда қолиб кетган эди. Бақоланги, бу ҳамкорликдан барча давлатлар манфаатдор. МДХ ҳудудидagi бозор муносабатлари

Ватан уюмлари



Абдувоҳид ТҮРАЕВ олган сурат

Олам овози

БУЮК МАҚСАДЛАР ЙҮЛИДА

Июнь ойи Ўзбекистон учун муҳим халқаро воқеаларга бой бўлди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 10 июнь кунини Тошкентда бўлиб ўтган Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилати (ЭКО) саммитида иштирокчи бўлиб ўтган Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамкорлигининг навбатдаги саммитида иштирокчи бўлиб ўтган Тожикистон Республикаси раъсми тарифи, ниятат 21 июнь кунини Москвада бўлиб ўтган МДХ мамлакатлари давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашуви бу фикрнинг ёқин далилидир.

Ўртабашимизнинг Тезкор сафарига қарши халқимизнинг қўллаб-қувватлаши ҳамда Москва учрашувида қаҳда фикр юритмоқчимиз.

Энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёдаги тўрт давлат раҳбарларининг Душанбадаги учрашуви ва Президент Раҳимовнинг Тошкентда бўлиб ўтган МДХ мамлакатлари давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашуви бу фикрнинг ёқин далилидир.

Ўртабашимизнинг Тезкор сафарига қарши халқимизнинг қўллаб-қувватлаши ҳамда Москва учрашувида қаҳда фикр юритмоқчимиз.

Утган йиллар мобайнида бир қатор муҳим қадамлар ташланди. Минтақада барқарорлигини таъминлашга хизмат қиладиган "Центрзабт"нинг ташкил этилиши, диний экстремизмга ва террорчиликка қарши курашда кучларни бирлаштириш ҳақида шу йил апрель ойида Тошкентда имзоланган битим, Марказий Осиё Тараққиёт ва ҳамкорлик банки фаолияти бунга мисол бўла олади. Низом маблағи 9 миллион АКШ доллари бўлган банк ҳозирги пайтда 52 лойиҳани молиялаштиришда иштирок этмоқда. Беш йил давомида қабул қилинган етмишга яқин давлатлараро ҳужжатнинг 90 фоизи амалга оширилганлиги ҳам ҳаммаимизнинг қўллаб-қувватлаши билан бўлаётганини кўрсатиб турибди.

Душанба учрашувида қабул қилинган Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамкорлигининг 2005 йилгача бўлган мuddатда интеграция стратегияси, 2002 йилгача янги иқтисодий маконни яратиш бўйича биринчи навбатда амалга ошириладиган ишлар дастури, сув ва энергетика захираларидан баҳамжихат фойдаланиш ҳақидаги ҳужжатлар ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қиладди.

Афғонистондаги вазиятга доир нуфузли халқаро ташкилотларга қилинган муносабатнома эса минтақадаги тинчлик ва барқарорлигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ифодасидир.

Учрашув чоғида Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамкорлиги келгусида Бароза йўналишидаги бирликка эришиш керак, деган ният билдирилди. Албатта бунинг учун ҳали кўп иш қилиниши лозим. Лекин минтақамиз халқлари манфаати ана шу юксак мақсадга йўлида ғайрат билан ишлашни талаб қилади.

Ислом Каримовнинг Тожикистонга раъсми тарифи нақадар кўтаринки руҳда ўтганлигини телевидение орқали томоша қилдик. Ўзбекистон ва Тожикистон санъат усталарининг концерти ва Тожикистон эътиборини билан учрашувида Юрбошимизнинг шаънига қўллаб-қувватлаш ҳамроҳлик қилиши мазмунли бўлди. Зеро, Ўзбекистон халқи энг оғир кулларида ҳам қардош тожик халқига ёрдам қилини қўйиб қолди.

Тожикистон Президенти Имд-

Очиқ мулоқот

"Ёшлар муаммолари институти" — НИМА?

Ҳар бир давлатнинг ривожланишида, тараққиёт этишида ёшларнинг ўрни ва салоҳияти катта.

1996 йилда Ёшлар муаммолари институти тузилди. Мана тўрт йилдирки, ушбу институти ёш кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш каби бир қанча ишларни олиб борапти. Айни пайтда институтида 25 та ходим ишлайди.

Сўбатдашимиз Республика "Камолот" жамғармаси Бошқарув раиси ўринбосари, Ёшлар муаммолари институти ректори Нодир Субҳонов.

— Ёшлар муаммолари институти — бу "Камолот"нинг илмий-назарий методик малака ошириш ўқув маскани ҳисобланади. Яъни, "Камолот" тадбирларини назарий томондан мустаҳкамлаш, ёшлар муаммоларига доир социологик ва бошқа илмий тадқиқотларни вилоят, туманларда ўтказиш бўйича фаолият кўрсатади.

— Кўпчилик ёшлар нима учун бу институтини билишмайдилар?

— Тўғри, биз бирдангина ёшлар ўртасига кириб бораолмадик. Бу бизнинг масъулиятсизлигимиздир. Бироқ, бу институти ёшлар билан ишлайдиган институти эмас, балки ёшлар ташкилотлари, ёшлар билан ишловчи муассасалар билан ҳамкорликда ёшларга оид маълум бир илмий, назарий ёки услубий тадқиқотлар олиб борувчи муассаса ҳисобланади. Сўзимнинг исботи учун бир мисол келтирай: масалан, олий ўқув юр-



қилади. Биз ўша факультетларга фақат кўрсатма бера оламиз, ҳоло, Яъни, айтайлик, бу йил мамлакатимизда иқтисодий етишяпти, қабул 100 та эмас, 200 та бўлсин. Ёинки, социологлар бизда етарли, қабул ўша қийматда қолверсин, деб. Бу, ёшлар муаммосига қирадинки? Демак, биз ҳам шу орқали уларнинг муаммоларини ечпмиз.

— Институтининг бугунги фаолияти сизни қониқтирадими?

— Ҳам қониқтиради, ҳам қониқтирмайди. Қониқтиришига қолсам, шу 2000 йилда

қўп ишларни амалга оширдик. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги билан ҳамкорликнинг аниқ самарали бўлди ва институти моддий томондан тиклаб олишга қўллаб-қувватлаш берди.

"Камолот" жамғармаси Бошқаруви раиси Хотам Абдурашмов жамғарма вилоят бўлими раҳбарлари билан бўлган учрашувида:

— Жоиларда шаҳардан кишлоққа "экспорт" қилинган тадбирларнинг еиши эмас, ҳар бир кишлоқнинг ўз мусобақаларини, кўрик-танловларини уйлаб топиш лозим. Масалан, "Ким кўп уради?", "Ким отни яхши такалайди?", "Кимнинг кўни семиз?" ва ҳоказо. Бунинг фойдаси шунидир, меҳнатни тарғиб қилиш, хунарни санъат даражасига кўтаришга ёрдам беради, — деб айтди.

эришдик. Институти фаолиятида келиб чиқадиган бўлсам, унинг қошида Тиллар маркази, Компьютер маркази, ёш қизларни оилага тайёрлаш "Богойим" маркази, тикув-бишув ва модельерлик, "Жамила" кўча ўқув маркази йил давомида кўпгина ишларни амалга оширди. Жумладан, "Богойим" маркази қизларни қандолатчилик, тикув-бишув, сартарошлик, косметология, биринчи — тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ўқитган бўлса, Компьютер маркази орқали кам таъминланган оилалар фарзандларини та-

Мустақиллик ва матбуот

СЎЗ ОЛДИДАГИ БУРЧ

*** Ахборот асримизнинг энг қудратли "қуроли"га айланди.**

*** Ҳаётда ҳар қандай муаммога, ҳар қандай жумбоққа жавоб бор.**

Ахборотнинг инсон ҳаётини аҳамияти беқисс. Ҳар биримиз янги кунимизни газеталарни саҳифалашдан, радио, телевидениенинг сўнги хабарларини эшитишдан бошлаймиз. Газеталарни доимий кузатиб борувчиларга нисбатан, дунёдан бохабар одам, деб бежиз айтилмайди. Дарҳақиқат, киши моддий неъматлар билангина тирик эмас. Маънавий ўзалликка талпиниб яшаш — инсон табиатида "сўт би-

лезонлар матбуотнинг ривожига, айни пайтда матбуот нашрлари омма тафаккурига, бевосита бутун жамият тараққиётига таъсир ўтказди. Шу нуктага назардан қараганда, Президентимиз Ислом Каримов "Ўзбекистон XXI асрга интилоқда" деб номланган китобида оммавий ахборот воситаларининг асосий мақсадини аниқ қилиб белгилаб берган. Китобда, жумладан, шундай дейилади: **"Ҳозирги пайтда қабул қилинган қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоат назоратини, давлат ҳамда мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширадиган механизм сифатида**

лан ҳаммаши қинчигидир ёрдами таянади. Ёрдам йўқми, бўлди, интилишдан тўхтади; ҳамма нарсага тўз эришгиси қолди-ю, лекин мураккаб синовларга бардош бера олмайдилар.

— Институтининг келгусидаги режалари қандай?

— Ҳозирда иккита катта лойиҳамиз бор. Яқинда ёшларни олий ўқув юртлирига ва "Умид" жамғармаси та-

ловига тайёрлаш учун "Хилол" марказини очдик. Унинг фаолиятини кенгайтириш бизнинг биринчи мақсадимиз. Ундан ташқари, институтида

"Ёшлар муаммолари" марказини туздик. У энди фақат ёшлар билан ишлайди ва муаммолар ечимини топишда ёрдам беради.

Ҳа, ҳар соҳада интилиш бўлса, ишнинг ривожига ҳам тезда кўзга ташланади. Улайимки, Ёшлар муаммолари институти ҳам қалажакда ёшлар ҳаётини яхшилашга ҳисса қўшади.

Зайна АШУРОВА,
"Туркистон" мухбири

Насриддин МУХАММАДИЕВ, сиёсий шарҳловчи

(Давоми 2-бетда)

Ҳамкасблар хотираси

САТРАЛДАРДА СОЧИЛГАН УМР

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, дадам Мусо Каромов "Туркистон" газетасида курьер, саҳифа ўқувчи, корректор, муҳбир бўлиб ишлади. Ота-онам ўша вақтда пойтахтда яшаган. Қишлоқдан дадамни йўқлаб борадиган "қўли узун" кишини дедлар бўлмаган. Турли жойларда, ҳар хил одамларниқанда кун кечирган. Буларни биз фарзандларига бот-бот гапириб берардилар. Албатта, бунга қанақадир сабаблар бўларди. Аникрои, бу бизга сабоқ тариқасида, "турмушимиз яхши-ку, бундан беш баттар кунларни кўрганимиз, шунинг учун худого шукр деглар, болаларим!" дегандай хулоса келтириб чиқарар эди.



1970 йил дадам ўзи ишлайётган тахририятнинг Қашқадарь, Сурхондарь, Бухоро вилоятлари бўйича муҳбири этиб ишга тайинланган. Ўша вақтларда хизмат сафари машаққатли кечган. Жумладан, Сурхондарьдан қайтган дадам нафасини ростлаб улгурмай Бухорога жўнаб кетарди. У ердан қайтиб Қашқадарьнинг қайси бир чекка қишлоғига шикоят хатини ўргангани жўнарди. Бундай сафарлар жуда азоб билан ўтишини онам чуқур хис қиларди ва у бунга кўнгли билан қолганди.

1978 йилда "Ўзбекистон овози"нинг Қашқадарь вилояти бўйича ўз муҳбири этиб тайинланди. Мазкур вазифада 16 йил ишлади. Дадамга нафақат ҳамкасблари, биз фарзандлар ҳам катта ҳавас билан қарардик. Дадам шунчаки эмас, заҳмат билан, сидқидилдан меҳнат қиларди. Чунончи, кўпинча эрта азонлаб ёки ярим кечдан то тонг отгунга қадар ижодхонада ёзув машинкасининг товуши тинмасди.

Гарчи биз фарзандлари кўп нарсага қизиқувчан бўлсакда, дадам хизматига доир қўйинчиликлар ва сирларни оила аъзоларига айтишни маъқул кўрмасди. Бироқ, бир воқеа эсимда. Саксонинчи йиллар боши. Кўпгина юртдошларимиз "Пахта иши" хабрини тортаётган бир пайт. Одатдагидек кўнларнинг бирида бир киши уйимизга аллақандай хат ташлаб кетди. Хат келтирувчини илгари кўрмагандим. Қанақа машинада келганлигини билишига ҳам улгурмадим. Чунки у машинасини уйимиздан сал нарироқда тўхтатиб келган экан. Ўзи эса хатни кўлимга тутган захотиёқ яшин теглигида гоёй бўлди. Хатни дадамга бердим. Дадам эса уни очиб ўқигач, пинакларини ҳам бузмай хат ташлаб кетган одам қандай одам эканлигини ва қанақа машинада келганлигини сўрадилар. Мен у одамнинг тузилишини айтдим, лекин машинасини кўришга улгуролмаганимни ҳам билдирдим. У кишини ишдадилар. Бир кун дадамнинг иш столида бир қоғозга кўзим тушиб қолди. Бу ўша хат эди. Унда вилоятдаги бир гуруҳ савдо ходимлари томонидан ўша вақтда савдо раҳбарларидан бири бўлиб ишлайётган (ҳозир исми-шарифи ёдимда йўқ) кишини танқид қилиш талаб қилинган. Хат сўнггида "Сиз тушунган одамдасиз... Агар талабимизга кўнмасангиз "уйингизни ёқиб кетамиз!", деган нўписа билан тулаган. Тўғриси, айна замонда ҳар қандай кўнглисизлик юз бериши эҳтимолдан ҳоли эмасди. Бироқ, дадам буларга парво қилмасликка ҳаракат қилдилар. Уларнинг талаби амалга ошмади. Аммо кейин эшитишимизча, хат "муаллиф"лари ўз қилмишларидан изза бўлиб қолишибди.

Бунга ўхшаш ҳолатлар кўп бўлган. Билиб қолганим шу. Албатта машаққатли меҳнат кадрланмай қолмайди. 1993 йилнинг декабрь ойида дадам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист унвонига сазовор бўлди. Дадам унвон билан кўтловчиларга "Ҳа, энди... мамлакатда менга ўхшаган журналистлар озмунчами? Арзиманган хизматимни мана шунчаки юксак унвонга лозим кўришибдим, энди бу қараларни узишим керак..." деганларини ўз қулғим билан эшитганман.

Аммо дадам унвон нишонини ёлчишиб ҳам тақолмади... 1994 йилнинг 17 август кунинда 8 ой давом этган касаллик 50 ёшида уни бу дунёдан олиб кетди. Лекин бу биздан ҳам онамиз учун оғир жудодик эди. Шунинг учун бўлса керак, бу жудодикни юрагидан кўтара олманган онам ҳам орадан кўп ўтмай тўсатдан вафот этди. Улар бир-бирини яхши тушунишар, бир-бирларига суянч эди. Буни кейинроқ янада чуқур англадим.

Дадамнинг қатор очерклари яқка тартибдаги бир нечта тўплам ҳамда жамоа тўпламларда нашр этилган. Буларнинг ҳали ҳам қиймати баланд, ўрганса арзийди. Талабалик вақтларида ҳикоя, ҳажвия ва қатрлар машқ қилган эканлар. Хатто бир йил онамнинг кўлларидан бир талай шеърларини кўриб қолгандик ва "дадам шеър ҳам ёзган эканларда" дея хайратлангандик. Илк шеърый машқларимнинг биринчи ўқувчиси ҳам дадам эди. Бир кун бир нечта машқларимни кўриб беришни сўрадим. Кейин диққат билан кўз югуртириб чиқдиларда, "дуруст, яхши", деб қўйдилар. Бироз сукутдан сўнг улуг бир ёзувчининг гапини айтдилар:

— Биласанми, сўзга қизғончиқ бўлиш керак. Тушунмаган бўлсанг, сўзини қадрига етиб ёзгин...

Гапининг очиги, биров ҳақида билиб-билмай, гоҳо хис этиб, хис этмай ёзиш мумкин. Бироқ яқинларининг хотирлаб бирор бир жиддий нарса ёзиш анча мушкул экан. Буни ёза туриб хис этдим... Бироқ, нима бўлганда ҳам бу биринчи гада меннинг бурчим эди.

Дарвоқе, дадам касал ётганида нимагадир пойтахтни кўпроқ тилга оладиган бўлди. Ҳамкасб дўстлари-ю, биродарларининг соғинганлигини қайта-қайта эътироф этгани ўшанда. Бу соғинч бошқача эди. Бу соғинчда самимият ва ўзгача бир меҳр-муҳаббат бор эди...

Барча расм-русумларни адо этган, эртаси кун дадамнинг етказиб улгурмаган соғинчнинг дўстларига етказгани Тошкентга йўл олдим...

Илҳом Каромов, журналист

Мустақиллик ва матбуот

(Давоми. Аввали 1-бетда)
Матбуот — ҳаёт кўзгуси, дейиш урфга кирган. Таъбир жоиз бўлса, матбуотнинг энг бирламчи "жомашёси" халқдир. Халқ ҳаётидан, унинг қувонч-ташвишларидан, оруз-армонларидан узилиб қолганда, ҳақ ва ҳақиқатни, адлу адолатни "кўриб кўрмасликка олганда", ёлғону бўҳтонга ружу қўйганда оммавий ахборот воситалари ўз ижтимоий аҳамиятини йўқотади, эгаллаган мавқени бой беради. Мисол излаб узоққа боришимиз ҳожати йўқ. Социал саволлар замонидан республикамизнинг матбуоти шундай таназул гирдобига тушиб қолмаганими-курсауларини кўриш, радиоэшиттиришларини эшитиш учун ошқадими? Ушбу саволлар кишини чуқур мушоҳада юритишга мажбур этади.

Ахборот асримизнинг энг қудратли қуролига айланди. Ахборотнинг ҳолислигини таъминлаш эса XXI аср журналистларининг энг оддий, айна пайтда энг мураккаб вазифасидир.

Нега бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг халққа янада яқинлашуви заруратга айланди? Чунки, халқда, ҳаётнинг ўзида ҳар қандай муаммага, ҳар қандай жумбоққа жавоб бор. Таъбир жоиз бўлса, бу борада "велосипедни қайта иختиро қилишга" ҳожат йўқ. Фақат журна-

ли, аксинча улардан нафратланишим.

Ен-атрофимизда шундай эътиқодсиз кимсалар бор, шундай воқеалар бўлиб турган экан, вазият журналистлардан янада жонқидолик билан ишлашни талаб қилади. Шунинг учун бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам ортди. Бугун биз — журналистларда жасорат, таҳлилий назар, ғайрат-шижоат етишмаётгани сезилиб қолди. Ваҳоланки, халқимиз ижодкорлардан оқдан қорани, нурдан сояни тўғри ажратиб беришни, керак бўлса жуда катта фидойиликни кутмоқда.

Матбуотнинг, журналистнинг халқ ичига кириб бори-

ни, давлат ҳамда мансабдор шахсларнинг устидан ҳолис назоратини ўрнатиши мумкин бўлади.

Еттинчидан, нашрларнинг қиёфасини янада замонавийлаштириш, газеталарнинг дизайнини янада яхшилашда тахририятларда мавжуд бўлган компьютерларнинг юздан бир имкониятидан ҳам фойдалана олмаганимиз. Ваҳоланки, нашрлар қиёфаси уларнинг қўлма-қўл ўқилиш сабабларидан биридир. Ҳаёт манзаралари турфа хил. Халқ ҳаёти ранг-баранглигини ҳеч нарса қўшмай тасвири-

СЎЗ ОЛДИДАГИ БУРЧ

ди?! Истибод тузумининг мафқурий қуролига, ёлғон ва сохта гоёлар жарчисига айланмаганими?! Халқ бошқа, матбуот бошқа ҳаёт билан яшамасми?! Шу боис ҳам ҳеч ким матбуот сўзига ишонмас, матбуот ҳам халқ назаридан ўзининг юксак мавқидан тузбанга қулаб тушмаганими-ди?! Сир эмас, диққатнафас муҳитда нашрлар пажмурда, чалажон, палагда бўлиб қолганди. Ўша йилларнинг аччиқ тажрибаси оммавий ахборот воситаларининг энг катта фожеаси халқ ҳаётидан айри тушиб эканлигини яққол кўрсатади.

Шукри, фақатгина мустақиллик сабаб, матбуотимиз ким маънода миллийлик ва ижтимоий аҳамият касб этди. Яъни, мустақиллик матбуоти Ватанимиз ва халқимиз манфаатларининг чинакам ҳимоячисига айланмоқда. Шунга қарамай, бу борадаги интилишларни етарли деб бўлмайди. Ишимиздан билими ва дунёқараши кенг зиёлиларнинг, хатто оддий одамларнинг кўнгли жудаям тўлаётганидан кўз юмолмайдик. Фаолиятимиздан қониқмаслик ҳисси эса бизни янада изланувчан бўлишга ундайди.

ши нима?

Биринчидан, бу яхши-ёмон кўнларда одамлар билан бирга бўлиш, халқнинг кундалиқ турмушига кириб бориш, халқ билан бирга нафас олишдир. Тан олиш керакки, кўпларимиз хонанишимиз, турғун журналистларга айланиб қолганимиз. Мақолаларимизни ҳам хонадан чиқмай, ҳаётни чуқур ўрганмай ёзаваримиз. Рақамлар, фактлар, фамилиялар каби маълумотларни телефон орқали олишимиз ёки тайёр маълумотномалардан фойдаланамиз. (Бу аслида собиқ истибод даврининг асорати. Ўша даврларда мақолалар шундай ёзилар эди.) Натигада, ёзилган мақолаларда қайноқ ҳаёт нафаси, мароми сезилмайди, материаллар ҳаёт мантиғидан беғоналашади.

Иккинчидан, оддий одамларнинг турмуши, уларнинг кўнгли-ташвишлари ёзган материалларимизда акс этмайди. Масалан, қишлоқларимиз учун оддий бўлган орқо: оддий бир оила, топил-тутиши яхши, лекин болалар дарс тайёрали учун оилада дарсхона, стол-стул йўқ, Ота-она фарзандларига стул олиб бераран деса-ку қурби етади, аммо олиб бермайди. Ҳўш, бунга қолталарни ким тушутириши керак, матбуот бўлмай, янги замон руҳини ким одамлар онгига олиб кириши керак, журналист бўлмай?! Ота-оналарини ҳам мактаб ўқитувчиси ўқитмайди-ку.

лаш, акс эттиришининг ўзи матбуотнинг ҳам ранг-баранглигини таъминлаган бўлур эди.

Матбуотнинг олтин қондаси унинг эркинлигидир. Шундай экан, оддий одамларни, уларнинг қувонч ва ташвишларини матбуотга тўлароқ, кенгроқ, бўяб-бежамасдан олиб чиқайлик. Бу матбуотимизни янада халққил бўлишини кафолатлайди.

Ижтимоий ҳаётда мутлақо дахлсиз матбуотнинг бўлиши мумкин эмас. Ҳаёт ранг-баранг бўлганидек, манфаатлар, эркинлик ҳақида тушунчалар ҳам ҳар хил. Буларнинг барчасини бир қолипга, бир изга солишга уриниш— натижадан йўқ бир ҳаракатдан бошқа нарса эмас.

Бўлиб ўтган воқеалар маъносини, уларнинг индизларини ва эҳтимол тутилган натижаларини, қўламини одамларимизга тушутириб бериш, ҳар бир ватандошимиз қалбидан, онгидан уларга нисбатан муносабат тулғусини уйғотиш, бу энг аввало, қалам аҳлининг бурчидир. Шубҳа йўқки, бузғунчиларга нисбатан бундай тулғу эл-улус орасида, ҳамюртларимиз юрагидан азал-азалдан мавжуд. Биз — бугунги журналист ижодкорлар бу тулғунини халқимиз қалбидан меҳр-муҳаббатни ҳам, нафрату газабини ҳам бор бўй-бастиню, шакл-шамойили билан дунё ахлига, айниқса ёшларимизга кўрсата олишимиз лозим. Токи, дунёқараши Фарбинг жангари, ур-сур кинофильмлари таъсирида шаклланаётган иродаси, маънавияти бўш айрим ўсмирлар бундай воқеаларни, одамлар ҳаётига зомин бўлишини қаҳрамонлик дея ўйламинлар. Уларга ҳавас қилишма-

ди.

Китобий ёки жимжимадор бадий тил ҳам, аксинча тили энди чиққан ёки зўрға гапиришни ўрганаётган боланинг камбағал шеvasида гапириш ёки ёзиш ҳам бугунги матбуот учун мезон бўлолмайди. Халқимиз қандай сўзлар билан гапирса, матбуотимиз ҳам худди шундай оддий, содда, тушунарли, айна маҳалда маънудор "гапириши" керак.

Туртинчидан, биз — журналистлар қизиқарли, шов-шувли, "нодир" хабарларни тополмаймиз, десам янглишмайман. Баъзан ҳаётда қизиқ бир воқеа рўй беради, аммо шу ҳақда ёзилган хабарни ўқишга қўйналсан, чунки у зериктирадиган даражада ёзилган бўлади. Баъзан ха-

Мустақиллик, ягона Ўзбекистон давлати, бир бутун ўзбек халқи манфаатларини ифодалаш миллий матбуотимизнинг умумий устивор йўналишига айланади. Бу йўлда фикрлар, муносабатлар ҳар хил бўлиши мумкин, бироқ мустақиллик манфаатларига ҳиёнат қилишига бирор бир нашр, бирор бир қаламқашнинг ҳаққи йўқ. Давлатимиз раҳбари "Бундан қўзланган асосий мақсад — юртимиздаги турли миллат, ижтимоий тоифа ва касбу корга мансуб бўлган кенг омманни оғоҳликка чаққириш, мавжуд ҳавф ва таҳдидларнинг моҳиятини англаб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини уйғотиш, энг муҳими, миллий ғоя, миллий мафқура асосида халқимизни бирлаштириш, янада жипслаштиришдан иборатдир", деб равшан ифодалаб берган қоида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг ҳам қатъий йўлига айланади.

Салим АШУРОВ

«Камолот» худуди

МАШАҚҚАТЛИ КАСБ

Журналистика машаққатли касб ҳисобланади. Чунки унинг зиммасида куннинг қувончу ташвиши туради.

27 июнь Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ешларининг "Камолот" жамғармасига йигилган журналистларнинг кайфияти ўзгача бўлди.

Минбарлардан, кўпинча матбуот тўртинчи ҳокимият, дейилади, аммо баъзида унга менсимай қаровчилар ҳам топилади. Жамғарма байрам баҳонаси билан турли нашрларда фаолият кўрсатаётган қалам ахлига, энг яхши журналистларга совғалар тақдим этди. Санъаткорлар даврага ўз қўшиқлари билан файз киритишди.

"Камолот" жамғармасининг бу иши сўзинг, меҳнатнинг қадрига етувчилар кўпчилигидан далолатдир.

Равшан РАЖАБОВ

«Туркистон» га мактуб

МАКТАБНИ КИМ ТАЪМИРЛАЙДИ?

Яқинда қишлоқдаги бир тенгдошимнинг куйиниб айтиб берган воқеаси мени каттиқ изтиробга солди. Бир оилада тўрт фарзанд бир мактабга қатнаш экан. Мактаб маъмурияти уларнинг ҳар биридан таъмирлаш ишлари учун пул талаб қилганидан сўнг ота-болалар ўртасида келишмовчилик чиқибди. Натигада, болалар тенгдошлари ичидан уялиб, дарсга қатнамай қўйишибди. Энди худосиз қилинг: қишлоқ шароитида оддий меҳанизатор ўз фарзандларини ҳалол меҳнати билан едириб-ичириб турган бир пайтда қандай йўл туғсин? Бундай ҳолда ўз фарзандлари олдида унинг боши эгилмайдими?

Обиджон АЗИЗОВ, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

"Сурат ва сийрат" фототанловига "Менинг онам она-парқим энг эҳмиши!"



Абдувоҳид ТўРАЕВ олган сурат

Бугуннинг қаҳрамонлари



Бозор қонунлари ҳеч қимми аяб ўтирмайди ва ҳеч қимга олаҳида имтиёз ҳам жорий қилмайди. Шу боис бугун жаҳиятда қимнинг ўрни қаерда эканлиги аён бўлди қолди. Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлиснинг Иккинчи сессиясида ана шулар

экан. Айна вақтда бу муаммо келтириб чиқармаётганими, - деб сўрадим кадрлар бўлими бошлиғи Эркин ака Қажҳоровдан. "Ҳа, мустақилликнинг дастлабки йилларида бу муаммо пайдо бўлган. Бу маошнинг ўз вақтида беролмаётганимиздан ёки иш йўқлиги сабабидан эди. Муаммо ҳал бўлганидан кейин ходимлар ҳам тинчиб қолди. Бунга қўшимча Тошкент темир йўл транспорти инженерлари олийгоҳи ва бир нечта соҳага тааллуқли бўлган билим юртлири ўз вақтида мутахассис етказиб бермоқда."

"Самарқандқурилиш", "Янги АнгренГРЭС", "Бекободцемент" каби нуфузли корхоналар билан ҳам ҳамкорлик ўрнатганимиз. Келажақда электровоз таъмирлаш заводи қуриш ниятимиз бор. Япония халқаро ҳамкорлик банки томонидан ўттиз йилга ажратилган (имтиёзли давр - 10 йил) лойиҳа бюджети 78,54 миллион АҚШ доллари миқдорига бўлиб, унинг 19,88 миллион АҚШ доллари (яъни, 25 фоизи) ўзимизнинг маблағ ҳисобидан қопланади. Қолган 75 фоизини заём ташкил қилади. Лойиҳа умумий инвестицион даври 48 ой, ишлаб чиқариш вақти эса 2005 йил қилиб белгиланган. Агар ниятимиз амалга ошириб, завод ишга тушса, экспорт миқдори 45 миллион АҚШ доллари га етади. Албатта, ютуқлар ўз-ўзидан бўлмайпти. Унинг замирида ишчиларга кўрсатилаётган рағ-


АСРГА ТЕНГДОШ КОРХОНА

ҳақида тўхталар экан, гарчи ёш бўлса-да, кўпчиликка ўрнатилган "Ўзтемирйўлмаштаъмир" ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Очилбой Раматовга эътибор қаратиб, билмилли, ўз ишини уйдасидан чиқа оладиган, замонавий кадрларни камол топтириш бугуннинг устувор вазифаси эканлигини уқтириб ўтди. Бу беҳиз эмас. Чунки жаҳият фаровонлашуви раҳбарнинг қай даражада салоҳият соҳиби эканлигига боғлиқлигини "Ўзтемирйўлмаштаъмир" ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолияти яққол намоён этиб турибди.

Ақл ёшда эмас, бошда. Буни "Ўзтемирйўлмаштаъмир" ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Очилбой Раматов амалда исботлаб, таназзулга юз тутатган завод қаддини тез фурсатда тиклади. Республика тараққиётида муҳим ўрин тутадиган корхонага айлантирди.

Яқиндагина ўзининг юз йиллик тўйини нишонлаган завод остонасига қадам қўяр эканман, аср қаъридан салабат тўкиб турган қиёфаси бироз ҳажжонимни оширди. Меҳмонхонадек таъмирланган бино ва чиннидек тозаланган кўчаларда саф-саф бўлиб юрган завод ишчиларининг ўзинек шаҳар ичидаги "шаҳарча"ни эслатарди. Ошхона, озик-овқат дўкони, маданият саройи, кўрғазма зали, музей, соғломлаштириш маркази, боринги, барча қулайликлар муҳайё. Бундай қулайликдан хайратим ортиб, хаёлга қўмиб турганимда ҳамроҳимнинг "агар барча иш жараёнларини кузатмоқчи бўлсангиз, унга уч кун ҳам етмайди", дея билдирган оғоҳнома сўрови завод фаолиятига бўлган қизиқишимни янада ошириб юборди.

мон раҳбар Очилбой Раматов қабулига йўл олди. Аввалига қабулхонадаги навбатда турганларнинг беҳисоблиғи бироз ўчатиб юборган бўлса, аммо тез фурсат ичида тинчгина ишини битказиб қайтиши, раҳбар ҳақидаги бошланғич тасаввурни уйғотди.



— Иш фаолиятимни шу заводда устачилиқдан бошлаганман. Устабоши бўлдим, сўнгра цех бошлиғи вазифасини бажардим. Умуман айтганда, сугим шу ерда қотди, - дейди Очилбой ака.

1994 йил бирлашмага бош директор этиб тайинландим. Ишчиларга пул берилмаган, ишсизлик авжга чиққан кезлари эди. Бунга сабаб бевосита Москвадан бошқариб турилган завод мустақиллик эълон қилингандан сўнг ўз ҳолида қолдирилиши эди. Бу ҳолни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фармойиш қабул қилди. Унда Андижон ва Пахтабод механика заводлари бирлаштирилиб, ягона "Ўзтемирйўлмаштаъмир" ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди ва бу бирлашма "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акционерлик компанияси таркибига киритилди.

Йўл устида жойлашган "Дизел таъмирлаш цехи" иш жараёнини кузатдик. Кишлоқ хўжалик тараққиётида ўз ўрни бўлган бу техниканинг тез фурсат ичида ярқоқсиз ҳолдан ҳавас қилиб фойдаланиладиган дизелга айланиши ўз-ўзидан бўлмаслигига гувоҳ бўлдик...

"Вагон таъмирлаш цехи"да ишчилар мамнуният билан бир янгликдан воқиф этишди.



Кўёш ҳарорати ўнақишгандек қизидирарди, бунинг устига завод атрофига тўшалган асфалтдан кўтарилган иссиқлик куч бериб, иродамини синашга чоғлангандек эди гўё. "Илгари асарият бошқа миллатга мансуб кишилар хизмат қилган

Бу бирлашув янги куч ва гайрат бахш этди. Илгари янги ҳаракат таркибини таъмирлашни ўзлаштиришга йиллар керак бўлса, энди бу ишлар ойлари ичида амалга оширилади. Ўзбекистон Темир йўллари Давлат акционерлик темир йўл компанияси томонидан валютани тежаш мақсадида корхона олдига энг аввало импорт қилинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш вазифаси қўйилди. 1994 йили капитал таъмирланиш бошланган йўловчи вагонларнинг 599 таси темир йўл эҳтиёжи учун етказиб берилди. 1997 йил Асака шаҳрида "ЎзДЭУ" автозаводи ишга туширилиши муносабати билан Республика Вазирлар Маҳкамаси машиналарни ташувчи икки қаватли платформаларни таъмирлаш буюртмаси билан чиқди. Унга кўра, 741та икки қаватли платформа таъмирлашга эришдик. Бу каби муваффақиятлар анчагина. Мустақиллик йилларида завод экспорт қилган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажми 11 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, завод фақат темир йўл корхоналари эҳтиёжи учунгина хизмат қилмай, балки республикамиздаги бошқа саноат ва кишлқ хўжалик корхоналари билан ҳам ҳамбарчас боғланган. Заводда машинасозлик, энергетика, нефть ва газ саноати, металлургия ҳамда энгил саноат буюртмаларига ҳам керакли жиҳозлар етказиб бермоқдамиз. Шаҳримизда қурилайтган кўприқларда ҳам улуғшимиз борлигидан қувонамиз. Шунингдек "Навоийазот", "Ангренқўмир"


бат юқори ўринда туради. Шу мақсадда ишчи ва хизматчиларнинг моддий аҳолини юксалтириш масалаларига ҳам эътибор бериб келмоқдамиз. Уртача иш ҳақи 22000 сўмини ташкил этган ҳолда, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, 530 дан ортиқ нафақахўрларга, мактаб, богча, шифохона, маҳалла кўмакталарига доимий равишда молиявий кўмак бериб келмоқдамиз. Хозирги кунда тасарруфимизда 320 ўринли болалар оромгоҳи, 150 ўринли богча-соғломлаштириш комплекси, 430 ўринли маданият маркази ҳамда завод тарихи музейи фаолият юритмоқда. Хулоса қилганда, асосий фаҳримиз -бу меҳнатсевар ишчи-хизматчиларимиздир. 1,5 миңдан зиёд мутахассис ва ишчиларнинг самарали меҳнати ва пешона тери тўғриси республикамизнинг энг кўхна корхоналаридан бири мунтазам ишлаб келмоқда.

Биз янги асрга қадам қўяр эканмиз, имконият ва кучларимизга ишонган ҳолда юрт мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида, унинг обрў-эътиборини ва салоҳиятини ошириш мақсадида ҳар қандай вазифаларни ҳал этишга қамарбастамиз, дея оламиз.

Очилбой аканинг бу сўзларини тинглаб, улкан корхоналаримиз кўпайётганидан ва замонаг мош ишбилармон раҳбарлар камол топаётганидан юртимиз келажағи порлоқ бўлишига ишончм ортди. Илло, яқин йиллар ичида тараққиётимиз Япония, Германия каби давлатлар қаторида бўй чўзади.

Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ,
"Туркистон"нинг махсус муҳбири

"Сурат ва сийрат" фототанловига Соғлом авлод — буюк давлат таянғи



Абдувоҳид ТУРАЕВ олган сурат

ТАШКЕНТСКИЙ ГОРОДСКОЙ МУНИЦИПАЛЬНЫЙ БИРЖЕВОЙ ЦЕНТР проводит 14, 28 июля и 11, 25 августа 2000 года в 10 часов аукционные торги.

НА ТОРГИ ВЫСТАВЛЯЮТСЯ:

Автотранспортные средства, принадлежачие:

1. Предприятию — банкроту — корпорации "Ташкилвестстрой":
 - * экскаватор 26-21, стартовая цена 29 038 сумов;
 - * прицеп, стартовая цена 3301 сум;
 - * трактор ЮМЗ-5, стартовая цена 31019 сумов;
 - * автомобиль ГАЗ-52, гос. № 75-24 ТНЛ, стартовая цена 31019 сумов;
 - * автомобиль ГАЗ-24, гос. № 75-27 ТНД, стартовая цена 12382 сумов;
 - * автомобиль ГАЗ-24, гос. № 56-46 ТНБ, стартовая цена 610305 сумов;
 - * прицеп, стартовая цена 1313 сумов.
2. АО "Богород", расположенному в С.Рахимовском районе:
 - * автомобиль УАЗ-3303, гос. № 42-81 ТНБ, стартовая цена по ул. Широқ, 104 а: 430982 сумов;
 - * автомобиль МАЗ-54131, гос. № 06-74 ТНА, стартовая цена 231315 сумов;
 - * автобус "Кубань", гос. № 02-05 ТНП, стартовая цена 35672 сумов;
 - * автобус "Кубань", гос. № 02-06 ТНП, стартовая цена 35672 сумов;
 - * автомобиль ЗИЛ-130, ац-636, гос. № 65-94 ТНА, стартовая цена 95410 сумов;
 - * автомобиль ЗИЛ-130, ац-636, гос. № 78-57 ТНЗ, стартовая цена 81650 сумов;
 - * автомобиль ЗИЛ-130, ац-30/53/1068, гос. № 75-06 ТНЛ, стартовая цена 129745 сумов;
 - * автомобиль МАЗ-509, гос. № 06-70 ТНА, стартовая цена 99650 сумов;
 - * автомобиль ГАЗ-31029, гос. № 90-20 ТНБ, стартовая цена 210326 сумов;
 - * автомобиль Москвич-21412, гос. № 27-36 ТНС, стартовая цена 71000 сумов;
 - * автомобиль ГАЗ-24, гос. № 12-72 ТНБ, стартовая цена 112504 сумов;
 - * автомобиль ГАЗ-24, стартовая цена 128499 сумов;
 - * трактор Т-28, стартовая цена 500245 сумов;
 - * трактор 4хт-28-4 мл, стартовая цена 231294 сумов;
 - * прицеп ода 393571, стартовая цена 9905 сумов;
 - * прицеп тракторный, стартовая цена 50809 сумов;
 - * прицеп тракторный, стартовая цена 39264 сумов;
 - * автопогрузчик 4014, стартовая цена 9385 сумов;
 - * автопогрузчик 4014, стартовая цена 9385 сумов;
 - * автопогрузчик 4014, стартовая цена 9385 сумов;
 - * автопогрузчик, див-1792 стартовая цена 15156 сумов;
 - * автопогрузчик, стартовая цена 15616 сумов;
 - * погрузчик т-156, стартовая цена 30000 сумов;
 - * экскаватор, стартовая цена 71901 сум.
3. Предприятию-банкроту АО "Бахт", расположенному в г. Чирчике Ташкентской области:
 - * зона отдыха, расположенная в поселке "Сиджак" Ташкентской области, стартовая цена 631402 сумов;
 - * автомобиль ГАЗ-53, гос. № 88-01 ТШР, стартовая цена 46977 сумов;
 - * автомобиль ГАЗ-52, гос. № 91-14 ТШС, стартовая цена 25245 сумов;
 - * автомобиль УАЗ-3303, гос. № 87-56 ТШС, стартовая цена 81641 сум.
4. Объекты недвижимости и имущество предприятий-банкротов:
 - * Управление материально-технического снабжения ПСМО "Водстрой", расположенное в Сергелийском районе, Южная промзона, стартовая цена 7000000 сумов;
 - * СНУВР треста "Спецмонтажводстрой", стартовая цена 9500000 сумов;
 - * база на земельном участке пл. 937 кв.м., принадлежачая СНУ-АО "Точнотеккурилиш", расположенная в Шайхонтоқуровском районе, ул. Зарканова, д. 2, стартовая цена 900000 сумов;
5. Объекты недвижимости и имущество предприятий, имеющих задолженность перед бюджетом:
 - * административное здание, принадлежачие КТПП "Тараққиёт СХ", расположенное в Зангиатинском районе Ташкентской области, ул. Буг, д. 5, стартовая цена 18000000 сумов;
6. Мраморный цех, принадлежачий ООО "Гулсара", расположенный в Джизакской области, г. Джизак, ул. Богдановская, стартовая цена 20000000 сумов;
7. Земельные участки под индивидуальное жилищное строительство, передаваемые в пожизненное наследуемое владение гражданам, площадью 400,0 кв.м., расположенные на массиве Сергели-14 Сергелийского района. Стартовая цена одного земельного участка 269339 сумов.

Принимая заявок на участие в аукционе по земельным участкам прекращается за трое суток до начала проведения аукциона.

СПЕШИТЕ, ЭТО ВАШ ШАНС!
НАШ АДРЕС: г. Ташкент, ул. А.Кадирӣ, дом 13, ком. 1
Телефоны для справок: 144-56-72, 144-43-77

"TV-2" да кўришгунча

ЎЗБЕКИСТОН — ЁШЛАР МАМЛАКАТИ

Ўзбекистон ёшлар мамлакатини...
Бундай дейишимизга асос бор.
Мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ана шу қатлам ташкил этади.
Шу сабаб истиқлолнинг илк кунидан бошлаб ёшларга катта аҳамият бериб келинмоқда.

"Соғлом авлод", "Умид", "Камолот", "Улугбек" номидаги кўплаб жамғармалар ёшларимизни ҳар жиҳатдан баркамол авлод бўлиб етиштириши йўлида яратилган буюк имкониятлардир.

1998 йилнинг 1 сентябрдан ўз фаолиятини бошлаган "Ёшлар" телеканали сўзимизнинг яна бир исботидир. Яқинда ташкил этилганлигини икки йиллигини нишонлаш арафасида турган телеканал ижодий жамоасининг "Янги авлод" студияси кўрсатувлари ёки "Давр" ахборот дастурини, қўйингки, бошқа кўрсатувларини кўришга ошқайтган кишилар республикамиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этади десак, муболага бўлмайди.

"Ёшлар" телеканалининг ижодий жамоаси асосий диққатни ёшларимизнинг мустақил фикрга эга бўлишига хизмат қиладиган кўрсатувларга қаратади. Шу мақсадда "Эркин фикр", "Баҳс", "Менинг орзуим", "Туйғу", "Мутолаа" каби туркум кўрсатувлари ташкил этилдики, улар эндиликда канал кўрсатувларининг мустаҳкам ўзагига айланди.

Бундан ташқари кўрсатувлар номига келаятган кўплаб мактублар, бўлаётган телефон кўнгиноқларидан ҳам билиш мумкин. "Ёшлар" телеканали бугунги кунда ўз буй-бастига эга. Телеканал дастурларини кўздан кечирар экансиз, республикамиз ёшларининг ҳаёти, ўқишдаги, бунёдкорлик бобидаги фаолияти ҳар тарафлама қамраб олинганлигини гувоҳи бўласиз.

Телеканал кўрсатувлари ҳақида кўп сўз юритиш мумкин. Лекин ана шу кўрсатувларнинг юзага келишига асосий сабабчилар, уларнинг муаллифларидир. Мамлакатимизнинг таниқли шоир, адиблари ва тарихчи олимлари билан "Бир пиёла чой устида" суҳбат қураётган таниқли шоир ва журналист Эшқоқ Шукуров, "Саломат бўлинг!", "Меҳр кўзда" ва "Маҳаллада дув-дув ган" каби туркум кўрсатувчиси муаллифи ва бошловчиси республикада хизмат кўрсатган журналист Асрор Абборқўжаев, ҳар жума оқшоми хондончаси меҳмони, "Азизим" кўрсатуви муаллифи ва бошловчиси, Умида Усмонова бегойимларга нисбатан янада меҳр-муҳаббатли бўлишига ундовчи "Бегойим" кўрсатувининг тиниб-тинчимас муаллифи ва бошловчиси Нилуфар Умироқова, Фарҳод Бобоқоновнинг "Бир ўлкаки", Абдурасул Абдуллаевнинг "Худуд", иқтидорли шоира ва журналист Нозима Воҳидованин "Меҳрон", сирли олами билан сирлилигича бўлаётган "Сир" кўрсатувининг муаллифи Жамил Пулатова, Ойбек Вейсал ўғлининг "Рақурс", Нурилла Оқилонинг "Сийрат", ўзининг

иқтидорли маҳоратлари ни ҳар яқшанба эфирга узатаётган Тўхтамурад Маҳкамовнинг туркум "Маслаҳат" кўрсатувлари, Хайрулла Нуриддиновнинг кенг қамровли "Тахлилнома"си "Давр" — ҳафта ичида ёки Комилжон Шамсидиновнинг "Аср қиёфаси", Дилфуза Аҳмедованин "Бизнес академия", "Давр" ахборот дастурининг ҳар бир чиқишида иқтидорли тележурналистлар Собир Турдиев, Соҳибжон Алижонов, Илҳом Эшматовларнинг долзарб мазмунларига репортажларини ким ҳам севиб кўрмайди дейсиз?

Телеканал ижодий жамоаси Ўзбекистон ёшларини кашф этапти десак, муболага бўлмайди. Аммо ёшларимиз тарбиясига турли йўллар билан таъсир этувчи таҳдидлар жуда кўп. Хориждан, биз истаимизми-йўқми, турли адабиётлар, видеокассеталар кундалик ҳаётимизга кириб келмоқда. Улар орасида ахлоққа зид иллатлар ташвиқ қилинаётган, ёшларимизнинг қўзғига чиройли қилиб кўрсатилаётган хорижий газета ва журналлар, видеофильмлар оз эмас.

Шу боис, ўз навбатида, каналимиз ижодий жамоаси "жаҳолатга қарши маърифат" кучи билан иш олиб бормоқда. Тўри, жойларда, аниқроғи қишлоқларда ечимини кутиб ётган муаммолар талайгина. Ёшларни иш билан таъминлаш, қўшимча иш ўринларни ташкил этиш, кўпбўнақар клублар фаолиятини замонавий тарзда олиб бориш кўплаб спорт иншоотларини барпо этиш... Бу вазифаларни жойлардаги ихросини назорат қилиб бориш телеканал кўрсатувларининг асосий баш мавзудир. "Ёшлар" телеканали ижодий жамоаси республикамизнинг энг чеҳра турманлари ва қишлоқларига бориб, "Қишлоқдаги тенгдошим", "Меҳр кўзда" каби туркум кўрсатувлар тайёрланаптики, эндиликда оддий қишлоқ ёшлари орасидан иқтидорли ёш шоир ва шoirларни, санъат шайдоларини, спортга меҳр қўйган бўлажак республика ва жаҳон чемпионларини топиш имкониятлари тугиляпти. "Истеъдодшоу — 2000" кўрсатувининг голиблари бунинг ёрқин мисолидир. Ҳа, бугун Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда. Унинг жаҳон ҳамжамятидан янада мустаҳкам ўрин эгаллашга бугунги ёшларимизга боғлиқ. Ўзбекистон — ёшлар мамлакатини, дейилади. Ана шу ёшлар мамлакатининг "Ёшлар" телеканалининг ижодий жамоаси олдида ҳам жуда катта ва масъулиятли вазифалар турибди. "Ёшлар" телеканалининг ижодий жамоаси бу вазифаларни албатта уддалайди.

Абдуазим АЛИМОВ,
"Ёшлар" телеканали бош муҳаррири

Келажак олдида масъуллик

Ёшлар ижоди

ДУНЁ ТАРАҚҚИЙ ЭТЯПТИ, ЛЕКИН...

(Иккинчи мақола)

Илгари табиат инсонни кўрkitар эди, энди инсон табиатни кўрkitмоқда.

Жак Ив Кусто, француз океаншуноси

Жаҳон статистикаси маълумотига кўра, ўрмонларда ёнғин чиқиб қолганда 97 фоиз бевосита одамлар айбдор ҳисобланади. Фақатгина 3 фоиз ҳодисада табиий ҳақиқатлар туфайли ўт чиқади. Саксонинчи йилларда ҳар йили 11 млн. гектардан ортиқ тропик ўрмон қирқилган ва 4,5 млн. гектар ердаги дарактлар танлаб кесилган.

Ҳар дақиқада тропик ўрмонлардан 14-15 гектари камайиб бормоқда. Кейинги 40 йил мобайнида нам тропик ўрмонларнинг майдони 2 баробар қисқарди. Ҳозирги вақтда мутахассисларнинг ҳисобига кўра, ўрмонларнинг йўқ қилиниши натижасида атмосферага йилга ўртача 1,0-2,6 млрд. тонна углерод келиб қўшилмоқда. Урмонларни тадқиқ қилувчи Массачусетс марказининг хизматчилари баҳолашига кўра, атмосферага чиқаётган углероднинг 40 фоизи Америкага, 37 фоизи Осиёга, 23 фоизи Африканинг тропик минтақаларига тўғри келади. Урмонларни тўхтовсиз қирқилётганининг муҳим сабабларидан бири ривожланаётган давлатларнинг учдан икки қисми аҳолисининг уй-рўзгор ишларида ўтин ёқиб ишлатишидир. БМТ озиқ-овқат комиссияси (ФАО) озиқ-овқатга кўра, 1980 йилда тахминан 1,2 млрд. аҳоли ўтиндан асосий ёқилиш сифатида фойдаланган. Жорий йилда ўтин ёқилишига бўлган талабдорларнинг сони ривожланаётган давлатларда 2,4 млрд. кишига етади. Химояли тоғлари ва Африканинг Соҳил минтақаси мамлакатлари аёллари ва болалари йилга 100 кундан 300 кунгача ўтин-чўп териш билан шуғулланади. Амазонка дарёси ҳавзасидаги ўрмонларнинг йўқ қилиниши жуда хавфли суръатларда содир бўлмоқда. Нам тропик ўрмонлар бу ҳавзада 5 млн. кв. км. майдонни эгаллаган. Олимларнинг таъкидлашларича, Амазония улкан биологик ҳудуд ҳисобланади. Бу ерда дунёнинг 80 фоиз ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турлари мавжуд. Чунинчи, бу ҳавзада 4 минг хилдаги даракт, 100 минг хил балиқ турлари ва бошқа ноёб жонзотларни учратиш мумкин. Лекин кейинги вақтларда бу ўрмонларга ошқора таъжову бошланди. Саноат корхоналари ва йўл қурилишлари мақсадида бир вақтлар одам ўта олмайдиган қуюқ чангалзор ўрмонлар қирқилиб, аҳоли яшайдиган жойлар ва ҳўжалик қурилишлари бунёд қилин-

моқда. 80-йилларнинг ўрталарида бу ҳавзада ташкил қилинган яйловларнинг майдони 10 млн. гектарга етди. АҚШ олимларининг ҳисоблаб чиқишича, кейинги 100 йил мобайнида сайёрамизда 850 турдаги ҳайвон ва ўсимлик тури бутунлай йўқолган. Англиялик қушшуносларнинг маълум қилишича, ҳар йили Шимолий Атлантикада ва Шимолий денгизда 150-450 мингга яқин сувда сузиб юрвчи қушлар ҳалок бўлади. Бу ҳол экологик ҳалокатнинг тезлашганидан дарак беради. Музлик боғдан даврларда шунча вақтда фақат бир тур йўқолганлиги қайд қилинган ҳолос...

Инсоннинг тупроққа зўрма-зўраки ёндашуви унинг ифлосланишига, намлик даражаси ошшига олиб келди. Тупроқнинг ҳар хил саноат чикиндилари билан ифлосланиши унинг имкониятларини, ҳосилдорлигини чекламоқда. Саноатлаштиш натижасида атраф-муҳитта чиқариладиган чикиндилар ҳажми кўпайди. Транспорти воситалари, заводлар йилга атмосфера ҳавзасига миллиардлаб тонна қаттиқ ва газсимон зарарларни чиқариб ташламоқда. Биргина Лос-Анжелос шаҳридаги мавжуд 3 миллион автомашина шаҳар ҳавзасига йилга 3 млн. тоннага яқин зарарли газ чиқарар экан. Ҳозирда жаҳон мамлакатларида мавжуд 400 миллиондан ортиқ автомобиль инобатта олинса, атмосферани заҳарлайдиган омилар миқдори жуда катта эканлиги кўзга ташланади. Маълумотларга қараганда, ҳозир ҳар бир киши ўзининг ҳаёт фаолиятида бир йил мобайнида 1 куб. м. ахлат қолдиради. АҚШда 1986 йилда ҳар бир истеъмолчи 1 тоннадан хавфли чикинди тўғри келган. Маълум бўлишича, Ўзбекистонда қаттиқ машиий чикиндилар ташланадиган 230 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқ ахлатхоналари мавжуд. Уларда тахминан 30 млн. куб. м. ахлат тўпланади. Биргина Фарғона шаҳридан йилга 150 минг тонна ахлат чиқариб ташланади. Шунга айтиш ке-

ракки, улкан металлургия комбинатларида бир кеча-кундузда ҳосил бўладиган чангалларнинг умумий миқдори 350-600 тоннадан 2500 тоннагача ташкил этади. Нью-Йорк шаҳрида йил давомида ёқилган кўмир атмосфера ҳавзасига 1,5 млн. тонна олтингургурт газини чиқариб ташлайди. Агар 1950 йилда атмосферага 70 млн. тонна, 1975 йили 120 млн. тонна, 1980 йили 181 млн. тонна зарарли омилар чиқариб ташланган бўлса, бу йил бу курсатки 280 млн. тоннага етиши тахмин қилинмоқда. 1860 йилдан 1980 йилгача атмосферага 90-180 млрд. тонна углерод қўшилгани аниқланган. Эндиликда углероднинг атмосферага чиқаётган умумий миқдори 6 млрд. тоннага етди. XXI аср бошларида боти инсоний чиқараётган чикиндининг ҳажми 105 млрд. тоннага етиши таъкидланмоқда.

Дунё океани инсониятнинг энг катта озиқ манбала-ридан биридир. Унинг сувлари тарихида 75 хил кимёвий элемент мавжуд. Океанларнинг биологик моддалари умумий миқдори 35 млрд. тонна ҳисобланади. Улар 140 минг тур мавжуддан иборат. Маълум бўлишича, океанларга ҳар йили 100 млн. тоннага чикиндилар тушаётти. Инсон ҳозиргача дунё океанига жами бўлиб 20 млрд. тонна турли чикиндилар ташлаган. Бугунги кунга келиб дунё океанининг ҳар бир кв. км. майдонига 17 тонна турли хил чикинди тўғри келади. Космик расмлардан маълум бўлишича, дунё океани юзасининг учдан бир қисман ортиги нефть пардаси қалқиб қолган. Океанларнинг 20 фоиз майдони нефть маҳсулотлари билан турли даражада ифлосланган. Италиянинг жанубидаги денгиз сувларининг ҳар бир кв. км. майдонида ҳар йил камида 500 л. мазут йиғиб олиш мумкин. Америка олимлари 80-йилларнинг бошида Тинч океанининг фақат шимолий қисмида миллионлаб пластик халтачалар, 35 миллион пластик ва 70 миллион шиша бутилкалар, пластмассадан ясалган турли-туман буюмлар, 5 миллион эски пойабзал сузиб юрганни аниқлашган. Биргина ўрта денгиз йўлида йил давомида 350 млн. тонна нефть ташилади. Денгиз сувларининг ифлосланганлиги туфайли унда чўмилиш борган сари хавфли бўлиб бормоқда. Қанчалик хилма-хил ва бой ресурслар манбаи бўлмасин, океанлардаги мавжуддлар ҳаёти хавф остида

қолмоқда. Маълум бўлишича, бир гектар майдондаги нефть пардаси 100 млн. балиқ увилдиригини ҳалок қилади. Табиати ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро уюшмасининг маълумотларига қараганда, ҳозирга қадар Ер юзасида 63 турга ва 55 эмзувчи ҳайвонлар умуман йўқолиб кетган. Ҳозир 600 турга яқин ҳайвон ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетиш хавфи остида яшамоқда.

Озон туйнугининг ифлосланиши инсоният ҳаётига катта таҳдид солмоқда. Ер қура-расига келадиган ультраби-нафша нурларнинг ҳажми ошмоқда. Бунинг натижасида кислотали ёмғирларнинг ёғиши кўпайди. Бундай ёмғирлар ҳосилдорлигини камайтиради, ўрмонларни қуритади, чўчук сувлардаги ҳаётни ўлдиради. Бундай ёмғирлар таъсирида Скандинавиядаги 20 минг кўлда ҳаёт умуман тугади. БМТ маълумоти-га кўра, Ер қура-расидаги барча ўрмонларнинг 35 фоиз ишқорли ёғин-сочин билан зарарланган. Швецияда-ги 85 минг кўл ва 100 км. масофадаги дарё ва ирмоқлардаги сув ифлосланган.

Инсоният янги асрга қанчалик тараққиёт билан кириб бормасин, у барибир зиддиятлар, хавфлар ичида яшамоқда. Уртбошимиз таъкидлаганидек: **"Экология муаммаси Ер ўзининг ҳамма бурчакларида ҳам долзарб. Фақат унинг кескинлик даражаси дунёнинг турли минтақаларида турличадир"**. Ким қандай қарамасин, инсоннинг эртанги кўни, унинг тақдири табиат қонуниятлари билан чамбарчас боғлиқ. Француз ёзувчиси Антуан де Сент-Экзюперининг таъбири билан айтганда: **"Биз ҳаммамиз Ер аталмиш катта кеманинг йўловчиларимиз"**. Инсон янги асрда ўз хатоларини такрор этмаслиги учун ҳам табиатни асраб қолиши керак. Йўқса, унинг ҳаёти таҳдидлар қарши-сида қўлиб кетаверади. Эртанги авлодлар кўзига тик қарай олишми, уларга қулай пешвоз чиқишимиз учун ҳам табиатни асраб қолайлик, замондош!

Шухрат ОРИФ,
Ўзбекистон Миллий университети,
журналистика факультети 1-курс талабаси

Ирода Сатторова сўзининг руҳини ва маъноларини умид билан қидираётган ёш шоира. Ўз кўнглидан қидиради. Кангул — туйгулар майдони, кузатувлар майдони, ҳислар майдони, кечимлар майдони, ўзининг англаш майдони, руҳнинг чечаклари майдони. Ҳазрат Ғазолий бежиз демаганлар: **"Ҳеч нарса ўзинга ўзингдек ёвуқ эмас"**. Ўзинга ёвуқлик — кангул сезими. Шеър ана шу сезимнинг шакли. Яъни кангулнинг саси, кангулнинг нафаси, кангулнинг манзараси, кангулнинг ҳаракати. Ёш шоира Ирода Сатторова шундай сезимга эктивор келтириб шундай ҳисга илҳос билан ёндашаётганидан севиндим. Шу бонс, унинг битикларига сўз айтдим. Муродига етсин.



Икром ОТАМУРОД

КўКСИМНИ КҮЙДИРДИ МАҲЗУН БИР НИГОҲ

Биламан, ҳаёлинг мендадир хануз, Менинг севгим билан олгайсан нафас. Қалбим учун ётдир сени унутиш, Лек дилга ёлғизлик бегона эмас.

Олам сокин мудрар. Кеча мунаввар, Қошимда дод солар чорасиз ҳижрон. Юраман бетин — қувар соғинлар, Қалбим йўрқлаган ҳаёллар ёмон.

Кечани силайман нигоҳим билан, Ҳаёл қамчилари уйнар беомон. Мен кетиб бораман гамларни қучиб, Тун ичра чорлаган кўзларинг томон.

Кўксимни куйдирди маҳзун бир нигоҳ, Хонамни тарк этди гусса мунгайиб. Кечанинг қўйнидан чиқолмай беун, Азизим турибсан маюс жилмайиб.

Қошинга етолмам... кўзларимда ёш, Ҳаёллар кўрпасин отганда кўнги. Деразам чертарди дайди бир шамол, Ёнида ўйнади сен келтирган гул.

Яна тун кошима — мунаввар сокин, Яна шеър азоблар сенинг ҳақингда. Ширин азобларни тусганда гарчи, Ошиқлар дунёси ҳаёл аслида.

Охларим туташган само осуда, Юлдузлар кўйнига учдим беқанот. Ҳар нигоҳ қалбимга улашди гулу, Ҳар сирли сабадан кутдим илтифот.

Қалбга кириб борар ўтли нигоҳинг, Соғинг тентирайди юрагим сери. Минг кўйга солсангда бу севги асли, Кўнгилик маликаси — бетакрор дунё.

Яна тун... оқарар осмон пардаси, Туннинг қучоғидан айрилгим келмас. Аммо, ҳаёлинг-ла яшамок учун, Фақат тунни кутиб яшаш шарт эмас.

АЁЛ САБОТЧИ

Ҳали тун йиғмади қаро сочини, Ҳали замин сурар маҳзун бир ҳаёл. Деворларга тираб гамгин бошини, Садоқат пойида, йиғлар бир аёл.

Муҳаббат дарёсин маъсум бўйида, Ташналиқдан титрар талпинган лаби. Энди ёлғизликнинг қаро кўйида, Армонга, аллалар, айтарми қалби?

Ҳаёли телбаҳол... яшаш бегона, Мангулик қаърига йўл излар фақат. Қай кўнги, ҳавонинг тафтидан тонар, Қай динли кўр этмиш мангуга гафлат.

Бир кун, у қайтар, қатъий ишончи, Ҳокисор юраги кўз очган замон. Осуда яшарми вафони янчиб, Покиза қалб узра ҳатлаган инсон.

Қимтини, қизариб ота бошлар тонг, Аёл бошин силар умидбахш сабот. Яшаш фурсатига аста уриб бонг, Гичирлайди бешик — йиғлайди ҳаёт.

Қалбда ишонч билан туйди ҳар дамни, Умид нурларига ўралди ҳаёл. Қўллариде бешик дарду-аламини, Елқасига ортиб яшарди аёл.

Ирода САТТОРОВА

Газетхон илҳоми

ЭРТАК

— Узун армонларини тараганича, Кимсасиз ўрмонда қари ва ёлғиз. Бахт кутиб сўқмоққўл қараганича Интизор яшармиш бахтсиз ялмоғиз.

Эй момо, бахт не, нени кутасан? Уйинг бор, учарга супургинг дулдўл. Сехр-жодуда сендан ўтар йўқ, Бойлигинг етарли, тўлмасини кўнглинг?

— Тўғри, айтганингдек мислсиз бойман, Пойнисиз ўрмонда якка хукмдор. Эркинман, хасисман ҳам хотамтойман, Лек аёлман, демакки, менда кўнгилик бор.

Кувончларим кўп бўлди, армоним битта, Ёшлиқда курган ўйининг томин ёлмадим. Асрлардан ошди ёшим, аммо дунёда Мени тушунган бир кимса топмадим.

Нетай қариман, нетай ёлғизман, Эртақдаги ёвуз бир ялмоғизман. Ерни осмондан туриб томоша қилдим, Лекин бахт олдида мен ҳам оғизман.

Клара ТОЖИБОВА,
Тошкент



Ҳаё қорангда ҳаёл қоранди

"Қим кўп сув игаркин?"



Абдувоҳид ТУРАЕВ олган сурат

ДИҚҚАТ, ШОШИЛИНГ! ШОШИЛИНГ!

Шу йилнинг 30-июнь кўни соат 16.00 да Ўзбекистон миллий боғида "Табассум устаконаси" ижодкор ва ижрочилар иштирокида

ТАБАССУМ САЙЛИ

ўтказилади.

Табассум ҳамроҳ бўлишга истагангиз боғимизга мархаба! Ҳамма, ҳамма табассум сайлига! Боғга кириш bepул.

Газетанинг навбатдаги сони 5 июль, чоршанба кўни чиқади

"Сурат ва сийрат"

фототанловини ўз ижодий асарлари билан бошлаб берган Абдувоҳид ТУРАЕВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фототахрирининг бош муҳаррири вазифасида фаолият кўрсатади.

У 1964 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Отаси Абдусаттор Тураев ўттиз йил давомида "Ўзбекистон овози" газетасида фотомухбир бўлиб ишлаган.

Абдувоҳид Тураев 1985 йилдан республика газеталарида ўз фотосуратлари билан қатнашиб келади.

Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тугатган. "Ўзбекистон овози", "Тошкент ҳақиқати" газеталарида фотомухбир бўлиб ишлаган. Кўпгина фототанловлар, жумладан 1997-99 йилларда Японияда ўтказилган танлов ғолиби. 1998 йилда "Шухрат" медалига сазовор бўлган.

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ
Тахрир ҳайъати: Хотам АБДУРАИМОВ, Файрат ШОУМАРОВ, Лайло КАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари), Авазхон СОДИҚОВ, Анавар ЖАББОРОВ, Насриддин МУХАММАДИЕВ, Бахтиёр ШОХИСМОИЛОВ (масъул котиб), Шоазим МИНАВВАРОВ, Гаффор ХОТАМОВ, Комил ЮСУПОВ

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Мухбирлар 133-95-97
Хатлар бўлими 133-79-69

Навбатчи муҳаррир Дилшод РУСТАМОВ
Тахририятта юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтани назардан фарқланishi мумкин.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Буюртма Г. — 510.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012.
Освоёт усулида босилган.
Қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти-20.00
Топширилди-21.00
1 2 3 4 5 6